



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 23 » сентябрь

№ПК–330

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ–330-сон Фармонининг ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

2024–2025 йилларда аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг йўналишлар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг таклифига асосан энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳаллани танлаб, рўйхатини шакллантирсин ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш дастурини **1 ноябрга қадар** тасдиқласин. Бунда 2024–2025 йилларда мазкур маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш ёки уларда электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини ошириш, ички йўлларни таъмирлаш ва бошқа инфратузилмани яхшилаш мақсадлари учун жами 3,2 триллион сўм маблағлар ажратилади;

2024 йил 1 декабрга қадар тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳолининг барча қатламларига яшаш ва дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2024–2025 йилларда 4-иловага мувофиқ туман ва шаҳарларни жадал комплекс ривожлантириш, шу жумладан, уларда камида биттадан маҳаллада “яшил маҳалла” лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи дастурларни тасдиқласин. Бунда мазкур туман ва шаҳарларда юқори иқтисодий ўсишга туртки берувчи ижтимоий ва инфратузилма

лойиҳалари учун Давлат бюджетидан 2024 йилда 500 миллиард сўм ва 2025 йилда 1 триллион сўм маблағлар ажратилсин;

Ўн кун муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликнинг ривожланишига тўртки берувчи 5 тадан “драйвер” лойиҳалар рўйхатини тасдиқласин ва уларга зарур инфратузилмани яратиш учун Давлат бюджетидан 2024–2025 йилларда **1 триллион сўм** маблағ ажратилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда 2025 йил учун Давлат бюджети қонуни лойиҳасида зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар (кейинги ўринларда – камбағал оилалар) аъзоларининг бандлигини таъминлаган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун:

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари ҳамда микромолия ташкилотлари орқали жорий йил якунигача 4 триллион сўм, 2025 йилда 15 триллион сўм кредитлар ажратилишини таъминласин;

Ўн кун муддатда субсидиялар турларини мақбуллаштириш ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳажмини камайтирмаган ҳолда камбағал оилаларга **фоизсиз ссуда** ажратиш тартиби бўйича таклифларни киритсин;

тадбиркорлар билан учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда кредитлаш ҳажмини ошириб бориш, ташаббускорларга бўш ер майдонларини аукцион орқали сотиш чораларини кўрсин, тадбиркорларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини ҳал этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллаларда камбағал оилани аниқлаш, уни Камбағал оилалар реестрига киритиш, камбағалликдан чиқаришга қаратилган чораларни кўриш, реестрдан чиқариш жараёнлари “**маҳалла еттилиги**” **томонидан** ҳамкорлик асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

камбағал оилалар **ягона саволнома** асосида баҳоланади ва уларнинг **ижтимоий портрети шакллантирилади**;

ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси томонидан ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, бандлик, таълим, хулқ-атвор йўналишларини қамраб олувчи оилани камбағалликдан чиқариш бўйича **индивидуал режа ишлаб чиқилади;**

камбағал оилаларга – даромадли меҳнат фаолияти билан банд қилиш ва тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида **ҳоким ёрдамчиси**, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишларида – **ижтимоий ходим ҳамроҳлик** қилади;

оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режанинг самарадорлиги ва **натиядорлиги мониторинг қилиб борилади.**

5. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев) икки ҳафта муддатда маҳалла раислари, маҳалла фаоллари ва нуронийлари ҳамда кўчабошиларнинг Дастурда белгиланган ҳар бир йўналиш бўйича чуқур ўқитилишини таъминласин.

Бунда маҳалла раислари, маҳалла фаоллари ва нуронийлари ҳамда кўчабошилар ҳар куни кўчама-кўча юриб, ҳар бир хонадон ва оилада:

томорқага экин экиш, уй-жойида шинам ва файзли муҳит яратиш, тозалиқни сақлаш, тўғри овқатланиш, пиёда юриш, зарарли одатлардан воз кечиш бўйича фаол тарғибот ва ташвиқот олиб борсин;

фарзандларида болалиқдан бошлаб китобхонликка меҳр уйғотиш, уларни хорижий тиллар, касб-ҳунар ва санъатга ўргатиш, аёли ва қизининг ўқиши ва ишлаши учун шароит яратиш – муҳим ҳаётий вазифа, деган қарашни шакллантирсин;

ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, уларга ҳалол меҳнат, доимий изланиш ва шижоат орқали эришишга интилиб яшашни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришга кўмаклашсин;

ўз оиласи ва маҳалласининг тинчлиги ва фаровонлиги учун куйиниш, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ҳаётимиздаги ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича мунтазам таъсирчан иш олиб борсин;

маҳаллаларга бириктирилган тижорат банклари ва бошқа масъуллардан маҳалладаги вазифаларининг тўлиқ бажарилишини талаб қилсин, шунингдек, камбағал оилаларнинг ижтимоий шартномадаги ўз мажбуриятларига масъулият билан амал қилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** 2024–2025 йилларда пахта-ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига “компания – кооператив – деҳқон хўжалиги” тамойили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 50 минг гектар ер майдонини камбағал оилаларга 30 йилгача ижарага бериш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Бунда:

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдоларини “**маҳалла еттилиги**”нинг тавсияси билан камбағал оилалар ўртасида ўтказиш;

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари ғолибларига ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда ғоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши кўзда тутилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 июндаги “Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–239-қароридан келиб чиқиб умумтаълим мактабларининг бўш турган ер ва бино-иншоотларида хорижий тиллар, касб-ҳунарга ўқитиш ва ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда мактабгача таълим билан қамров даражасини 2025 йил якунигача 80 ғоизга етказиш бўйича дастурни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Спорт вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар ҳар бир умумтаълим мактабида, “Баркамол авлод” болалар мактабларида, шу жумладан, хусусий секторни жалб қилган ҳолда мактабдан ташқари таълим ва спорт тўғараклари ташкил этилишини таъминласин;

икки ой муддатда хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилишини молиявий рағбатлантириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Умумтаълим мактабларида тўғаракларни ташкил этиш ва уларга камбағал оилаларнинг фарзандларини жалб қилиш мақсадида 2025 йил учун маҳаллий бюджет параметрларини шакллантиришда 500 миллиард сўм маблағ назарда тутилсин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 ноябрга қадар олий таълим муассасаларига давлат гранти бўйича қабул квотасини босқичма-босқич ошириш ҳамда камбағал оилаларнинг билимли ва иқтидорли фарзандлари таълим олишлари учун имкониятларни кенгайтиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Белгилансинки:

2025 йил 1 январдан бошлаб камбағал оилалар фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли асосда қабул қилинади;

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, камбағал оилалар фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади;

2025 йилдан бошлаб “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан камбағал оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратилади.

10. АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ бириктирилган раҳбарларнинг хулосаси асосида:

камбағал оилаларга ноутбук сотиб олиш учун 5 йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан гаровсиз ва фоизсиз қарз ажратсин;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қиймати 30 млн сўмгача бўлган кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан гаровсиз ва фоизсиз қарз ажратсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тижорат банкларига Давлат бюджети ҳисобидан зарур маблағларни ажратсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил учун уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган субсидиялар сонини 1,2 бараварга оширишни назарда тутсин.

12. Дастурни амалга ошириш доирасида 2024–2025 йилларда **тажриба тариқасида** оғир аҳволдаги оилаларни камбағалликдан чиқариш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб тажриба тариқасида жорий этилсин:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ташкилотларининг 14 мингта раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг ҳар бирига ҳар 6 ойда 5 тадан энг оғир аҳволдаги камбағал оилалар бириктирилади. Бунда бириктирилган масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

оилаларнинг камбағаллик ҳолатига тушиш сабабларини ўрганиб, “маҳалла еттилиги” томонидан оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқилишини таъминлайди;

“маҳалла еттилиги”, тижорат банклари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда оилаларнинг ўз томорқаси имкониятларидан самарали фойдаланишига, иштиёқи бор шахсларнинг ўзини ўзи банд қилишига ва тадбиркорликни йўлга қўйишига ҳамда оила аъзоларининг, аёлларнинг касб-ҳунар ва хорижий тилни ўрганишига, уларга бўш иш ўринларини топишга ва ишга жойлашишига кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар, мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни фоизсиз қарз ҳисобидан олиб беради;

камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим ташкилотига жойлаштиришга кўмаклашади, болаларнинг таълим муассасаларига, қўшимча дарслар ва тўгаракларга қатнашишини назоратга олади ҳамда фоизсиз қарз асосида олиб берилган ноутбукдан самарали фойдаланишига шарт-шароит яратиб беради, ҳар бир оилага ҳомийлик асосида дарс столи ва стули, спорт кийимларини олишга ёрдам беради;

оиланинг давлат томонидан тақдим этиладиган тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланишини, хусусан, аёллар ва болаларнинг тизимли равишда скрининг текширувидан ўтказилишини таъминлайди, хонадон санитария ҳолатини яхшилашга, кундалик турмуш тарзи ва овқатланишда зарарли одатлардан воз кечишга, ёшидан қатъий назар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга, қарияларни пиёда юришга ундайди;

оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш учун ижтимоий ходим билан биргаликда зарур ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилишини таъминлайди;

ҳар ойда икки марта ўзига бириктирилган оилалар билан учрашиб, камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада белгиланган чоралар амалга оширилишини таҳлил қилади, юзага келган муаммоларни аниқлайди ҳамда уларни жойида бартараф этиш чораларини кўриб боради;

б) 2024–2025 йилларда республика даражасидаги давлат идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳаллага бириктирилади. Бунда маҳаллага бириктириладиган масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, маҳалланинг иқтисодий ривожланишига тўртки берадиган захира ва имкониятларни ишга солишга кўмаклашади, томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этади;

электр энергияси таъминотини яхшилаш, маҳаллани туман маркази билан боғлаш, шу жумладан, автобус ва таксилар фаолиятини йўлга қўйиш ва ички йўллари таъмирлаш, асосий кўчаларни шағаллаштириш ва энергия тежамкор ёриткичлар ўрнатиш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш чораларини кўради;

интернет тезлиги ва сифатини оширишга ҳамда мактаблар билан биргаликда камбағал оилаларнинг аъзолари учун ахборот технологиялари тўғаракларини ташкил этишга кўмаклашади;

маҳаллани ташаббусли бюджет жараёнларига фаол жалб қилиш ҳамда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш лойиҳалари ишлаб чиқишида амалий ёрдам беради;

маҳаллада ёки унинг яқинида жойлашган таълим муассасаси (умумтаълим мактаби, касб-ҳунар мактаби, мусиқа ва санъат ёки спорт мактаби) базасида қўшимча дарслар, хорижий тил ва компьютер курслари, спорт тўғараклари ташкил этилишини назорат қилади;

ёшларга, хусусан, 9-синф битирувчиларининг таълим олишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш ва уларни йўналтириш, олий ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олиш орқали келажакда яшаш тарзини яхшилаш имкониятлари ҳақида тушунчалар беради;

маҳалла ҳудудида жойлашган мактабгача таълим ва мактаб ҳожатхоналари таъмирланишини назоратга олади;

ҳар ойда **бир марта** ўзига бириктирилган маҳаллаларга бориб, чоратадбирларда белгиланган вазифалар амалга оширилишини таҳлил қилиб, юзага келган муаммоларни аниқлайди ва уларни жойида бартараф этиш чораларини кўради;

в) камбағал оилалар ва маҳаллаларга бириктирилган раҳбарларга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида тегишли ташкилотнинг фойдаси ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда кўмак кўрсатиш фақат камбағал оилалар ўз даромадини ошириши, фарзандларининг таълим олиши ва оила аъзоларининг соғлиғини тиклаши ва яшаш шароитини яхшилаши билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни бажарган тақдирда амалга оширилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан камбағал оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тақиқланади.

13. Белгилансинки, 2025 йил 1 апрелдан бошлаб:

Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида эксперимент тариқасида аутсорсинг асосида Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногирон аъзолари мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади;

ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш мақсадида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилади. Бунда дастлабки босқичда мазкур тадбирлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2024 йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг кундузги парвариш хизматларини ҳамда юридик шахсларга ногиронлиги бўлган болалар, шу жумладан, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кўрсатишга рухсат берилади.

14. Жамоат ишлари жамғармаси, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлган **Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг васийлик кенгаши таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарма васийлик кенгаши Жамғарманинг олий бошқарув органи, 22 та штат бирлигидан иборат Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси эса унинг ижро органи ҳисобланади.

15. Вазирлар Маҳкамаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, вазирлик ва идораларнинг штат бирликларига киритилаётган ўзгартиришлар 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки, ҳудудларда Дастур ижросини таъминлашга қўйидаги масъуллар билан бирга туман ва шаҳар ҳокимлари шахсан масъул ва жавобгар бўлади:

оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли тақдим этилишига, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга – “маҳалла еттилиги”;

барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришишга – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, тижорат банклари;

таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганишга – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланишга – Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Спорт вазирлиги;

ижтимоий хизматдан фойдаланишга – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

яшаш шароитларини яхшилашга – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси;

давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) **бир ҳафта муддатда** мазкур бандда назарда тутилган вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бир нафар раҳбар ўринбосарини Дастурнинг ижросига бевосита масъул этиб белгиласин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Бош прокуратура (И. Адҳамов) Ижтимоий инспекция билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам равишда назорат қилиб борсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар
РЕЖАСИ

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|---|---|--|--|--|
| I. Дастурни амалга оширишида ташкилий ва биринчи даражали чора-тадбирлар | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ташилотларининг 14 мингта раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг ҳар бирига 5 тадан энг оғир аҳволдаги камбағал оилаларни бириктириш. | 1. Туман (шаҳар), маҳалла кесимида раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари бириктириладиган камбағал оилалар рўйхатини шакллантириш. 2. Камбағал оилаларнинг камбағалликка тушиш сабабларидан келиб чиқиб, раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларини 5 тадан оилага бириктириш. 3. Мазкур раҳбарларга 6 ойдан сўнг яна 5 тадан оилани бириктириш. | 2024 йил 1 октябрь Бир ҳафта мuddатда Ҳар 6 ойда | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 2. | Энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга республика даражасидаги давлат идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини бириктириш. | 1. Кам таъминланган оилаларнинг улуши юқори, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инфратузилма билан таъминланиш даражаси паст бўлган энг оғир аҳволдаги 1000 та маҳаллалар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга бириктириладиган республика даражасидаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлар рўйхатини шакллантириш ва уларга маҳаллаларни бириктириш. | 2024 йил 5 октябрь Бир ҳафта мuddатда | Вазирлар Маҳкамаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев) |
| 3. | Камбағалликдан чиққан оилаларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириш, уларнинг ижтимоийлашувига, бандлигига, | 1. Камбағал оилаларнинг ижтимоийлашувига, бандлигига, шунингдек, молиявий мустақиллигига кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркорлик субъектларини давлат ва бошқа | Бир ой мuddатда | Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|---|---|--|-----------------------------|---|
| | шунингдек, молиявий мустақиллигига кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш. | <p>мукофотлар билан тақдирлаш, улар орасида “Инсон учун” кўрик-танловини ўтказиш тартибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Камбағалликдан чиққан оилаларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириш, улар тўғрисида фильмлар ишлаб чиқиш, даврий нашрлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини чоп этиш, кўрсатувлар, радиоэшиттиришларни ташкил этиш.</p> <p>3. Давлат буюртмаси бўйича яратиладиган кинофильмларда камбағал оилани меҳнат орқали камбағалликдан чиқариш, уларга давлат томонидан тақдим этилаётган ижтимоий ёрдам ва имтиёзларни акс эттириш.</p> | <p>Доимий</p> <p>Доимий</p> | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси (А.Жўрабоев)</p> |
| 4. | “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида назарда тутилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан барча даражадаги идоралар ва ташкилотларнинг, шунингдек, камбағал оилаларга ва маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш. | <p>1. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда индикаторларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ушбу индикаторлар асосида маҳаллаларга ва камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиш.</p> | Бир ой мuddатда | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев) |
| II. Барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш, тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, “драйвер” лойиҳаларни амалга ошириш, ер майдонларини камбағал оилаларга ижарага бериш, тадбиркорликка жалб қилиш | | | | |
| 5. | 2024 йил якунига қадар 500 минг, 2025 йил давомида 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш | 1. 2024–2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни “вилоят – туман (шаҳар) – маҳалла” даражасида белгилаш. | 2024–2025 йиллар давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|--|---|--|---|
| | чораларини кўриш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | <p>2. Мавжуд иқтисодий инструментлар асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг таълим олиши ва касб-хунар ўрганиши, аҳолининг тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чораларини кўриш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан чораклик маълумотларни Президент Администрациясига киритиб бориш.</p> | | <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Ж.Абруев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p> |
| 6. | Камбағал оилаларга кўмак чораларини ижтимоий шартнома асосида кўрсатиш тартибини жорий этиш. | <p>1. Ижтимоий шартнома тизимини жорий қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг даромадини оширишга қаратилган харажатларни таҳлил қилиш.</p> <p>3. Ижтимоий шартнома амалиётга жорий этиш тартибини тасдиқлаш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиш.</p> <p>4. Оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан бандликни талаб қилган ҳолда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | 2024 йил 1 ноябрь | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Ж.Абруев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов)</p> |
| 7. | 2024–2025 йилларда 100 мингга камбағал оилага пахта-ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига “компания – кооператив – деҳқон хўжалиги” тамойили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 50 минг | <p>1. Қўйидагиларни назарда tutувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш: 2024–2025 йилларда туман ҳокимликлари захирасидаги 50 минг гектар ер майдонларини электрон онлайн аукцион савдоларига қўйиш; ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдоларини “маҳалла</p> | 2024 йил 1 ноябрь 2024–2025 йиллар давомида | <p>Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|---|--|-------------------|---|
| | <p>гектар ер майдонларини 30 йилгача ижарага бериш.</p> | <p>еттиликнинг тавсияси билан камбағал оилалар ўртасида ўтказиш; ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдолари қолибиларига ер участкаси нархини 10 йил мuddатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиш; гаров пулини базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида белгилаш.</p> | | |
| 8. | <p>Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун ташкилот (иш берувчи) томонидан захираланган иш ўринлари тўғрисида маълумотлар (ish.mehnat.uz) реал вақт режимида янгилаб бориладиган платформани ишга тушириш. Бунда, ҳоким ёрдамчиси томонидан захираланган иш ўринларига камбағал оила аъзоларини тўғридан-тўғри иш берувчига юбориш тизимини жорий этиш.</p> | <p>Қўйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш: 1. Ташкилот (иш берувчи) томонидан захираланган иш ўринлари тўғрисида маълумотлар реал вақт режимида янгилаб бориладиган платформани ишга тушириш; 2. Иш берувчилар ўртасида ўзларида мавжуд квоталанган иш ўринларини платформага киритиш, камбағал оилалар аъзоларига квоталанган иш ўринларини таклиф этиш бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш; 3. Ҳоким ёрдамчиси томонидан захираланган иш ўринларига камбағал оила аъзоларини тўғридан-тўғри иш берувчига юбориш тизимини жорий этиш.</p> | 2025 йил июль | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов) |
| 9. | <p>Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга қабул қилинган камбағал оила аъзоси учун ижтимоий солиқни уч йил давомида 1 фоиз ставкада белгилаш.</p> | <p>1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга қабул қилинган камбағал оила аъзоси учун ижтимоий солиқ уч йил давомида 1 фоиз ставкада тўлаш бўйича ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | 2025 йил 1 январь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|--|--|--|---|--|
| <p>III. Таълим олиш ва касб-хунарغا ўрганиш имкониятини яратиш, мактабгача таълим билан қамровни ошириш, хорижий тилларга, касб-хунарغا ёки мутахассисликка ўқитиш, олий маълумот олишга кўмаклашиш</p> | | | | |
| 10. | <p>Камбағал оилаларнинг фарзандларини мактабдан ташқари таълим ва спорт тўғарақларига қамраб олиш даражасини ошириш.</p> | <p>1. Республика бўйича ҳар бир умумтаълим мактабда мавжуд бўш бино-иншоот ва ер майдонларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижаларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларининг бўш турган ер ва бино-иншоотларида хорижий тиллар, касбга ўқитиш ва ахборот технологиялари ва дастурлаштириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш юзасидан дастурни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Ҳар бир умумтаълим мактабда, “Баркамол авлод” мактабларида, шу жумладан хусусий секторни жалб қилган ҳолда мактабдан ташқари таълим ва спорт тўғарақларини ташкил этиш. 4. Хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилишини молиявий рағбатлантириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | <p>2024 йил 1 ноябрь</p> <p>Икки ой мuddатда</p> <p>2024 йил 31 декабрь</p> <p>Икки ой мuddатда</p> | <p>Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги (Ж.Абруев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p> <p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Спорт вазирлиги (А. Икромов), Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев), Иқтисодийёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)</p> |
| 11. | <p>2025 йил якунига қадар республикадаги 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоизга етказиш.</p> | <p>1. Маҳаллалар кесимида 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови даражасини ўрганиб чиқиш. 2. 2025 йил якунига қадар 3-7 ёшли болаларни</p> | <p>2024 йил 1 октябрь</p> <p>2024 йил 1 ноябрь</p> | <p>Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги (Х. Умарова),</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|---|--|-------------------------------|---|
| | | <p>мактабгача таълим билан қамраб олиш дастурини ишлаб чиқиш ва бунда қўйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>аҳолининг яшаш даражаси ва тўлов қобилияти юқори бўлган (камбағал оилалар кам бўлган) маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш;</p> <p>оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини фақатгина олис ва чекка маҳаллаларда ташкил этиш;</p> <p>аҳолининг тўлов қобилияти паст (камбағал оилалар нисбатан кўп бўлган) ва демографик ўсиш даражаси юқори бўлган маҳаллаларда давлат, шу жумладан, халқаро молия институтлари кредит ва грант маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш;</p> <p>ижтимоий соҳа муассасаларининг бўш биноларида қисқа мuddатли гуруҳларни ташкил этиш.</p> <p>3. 2025–2026 йилларда мактабгача таълим билан қамров даражасини оширишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиш.</p> | <p>2024 йил 15 ноябрь</p> | <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>О.Фозилкаримов</i>) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p> <p>Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги (<i>Х.Умарова</i>)</p> |
| 12. | <p>Давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилишини рағбатлантириш.</p> | <p>1. Давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини (оилавий мактабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно) ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган тадбиркорларни молиявий</p> | <p>2024 йил 1 декабрь</p> | <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (<i>О.Фозилкаримов</i>),</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|--|--|---|---|
| | | <p>рабатлантиришининг (паст фоизли кредит ажратиш) янги механизмини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Рабатлантиришнинг янги механизми бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | | <p>Мақтабача ва мактаб таълим вазирлиги (Х.Умарова)</p> |
| 13. | <p>Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш.</p> | <p>1. Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандларининг яшаш харажатларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қарор лойиҳасини келишиш.</p> <p>3. Қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | <p>2025 йил 1 июнь</p> <p>2025 йил 15 июнь</p> <p>2025 йил 20 июнь</p> | <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов)</p> |
| 14. | <p>“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари учун алоҳида грантлар ажратиш чораларини кўриш.</p> | <p>1. Жамғарманинг ҳар йилги квоталарини ишлаб чиқишда Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари учун алоҳида грантлар ажратиш бўйича параметрларни шакллантириш.</p> <p>2. Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари учун алоҳида грантларни тасдиқлаш ҳамда талабгорларни саралаб олиш чораларини кўриш.</p> | <p>Ҳар йили Жамғарма стипендия- ларини эълон қилиш мuddатидан келиб чиқиб</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси, “Эл-юрт умиди” жамғармаси (Бекмуродов) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов)</p> |
| 15. | <p>Олий таълим муассасаларига давлат гранти бўйича қабул квотасини босқичма-босқич ошириб бориш орқали Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари таълим олишлари учун имкониятни кенгайтириш чораларини</p> | <p>Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари таълим олишлари учун имкониятни кенгайтириш тартибини белгиловчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда:</p> <p>а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўзлаштириш кўрсаткичи:</p> | <p>2024 йил 1 ноябрь</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Иқтисодиёт ва молия</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|--|--|--|--------------|--|
| | кўриш. | <p>80 фоизидан юқори бўлган талабаларга кейинги ўқув йили учун давлат грантини тақдим этиш;</p> <p>70 фоизидан юқори бўлган талабаларга кейинги ўқув йили учун фоизсиз таълим кредити ажратиш;</p> <p>б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб давлат грантига қабул қилиш учун зарур бўлган баллнинг 90 фоизини тўплаган талабаларга давлат грантини бериш. Бунда тегишли йўналиш бўйича ажратилган давлат гранти квотасининг 10 фоизгача бўлган қисми Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар фарзандлари учун йўналтириш;</p> <p>в) молиявий мустақил бўлган давлат олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳар йили камидан 1 млрд сўмгача миқдордаги таълим грантлари ажратиш амалиётини жорий этишни кўзда тутиш.</p> | | <p>вазирлиги (<i>О.Фозилкаримов</i>)</p> |
| <p>IV. Камбағал оилалар аъзоларининг кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиши, тиббий кўриқдан ўтиши ҳамда ўз соғлиғи учун ижтимоий масъулиятини оширишига кўмаклашиш</p> | | | | |
| 16. | <p>Камбағал оилаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ўз соғлиғи учун ижтимоий масъулиятини ошириш чораларини кўриш.</p> | <p>1. Камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзосини йилда бир марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш графигини ишлаб чиқиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш.</p> <p>2. Камбағал оилаларнинг ўз соғлиғи учун ижтимоий масъулиятини ошириш (кундалик турмуш тарзи ва истеъмолда зарарли одатлардан воз кечиш) бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш.</p> <p>3. Камбағал оилалар фарзандларининг ҳар бири спорт тўғарақларига қатнашиши учун имкониятлар</p> | Доимий | <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А. Худаяров</i>), Спорт вазирлиги (<i>А. Икромов</i>), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (<i>С. Абдуллаев</i>), Камбағал оилаларга бириктирилган раҳбарлар ва</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|---|---|--|--|---|
| 17. | Давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш. | <p>яратиш, оиланинг тиббий хизматларга ўз ҳисобидан сарфлайдиган харажатларини қисқартириш чораларини кўриш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қарор лойиҳаси келишиш. 3. Ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | <p>2024 йил 1 ноябрь</p> <p>2024 йил 15 ноябрь</p> <p>2024 йил 30 ноябрь</p> | <p>уларнинг ўринбосарлари</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худаяров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов)</p> |
| 18. | Оиланинг давлат томонидан тақдим этиладиган тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланиши, хусусан, аёллар ва болаларнинг тизимли равишда скринингдан ўтказилишини таъминлаш, хонадонда санитария ҳолатини яхшилаш, оила аъзоларини зарарли одатлардан воз кечишга, ёшидан қатъий назар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига эришиш, қарияларни пиёда юришга ўргатиш. | <ol style="list-style-type: none"> 1. Аҳолини профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш графигини ишлаб чиқиш. 2. Тасдиқланган график асосида тиббий кўриклар ташкил этиш. 3. Соғлом турмуш тарзини тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларини амалга ошириш. | <p>2024 йил 1 ноябрь</p> <p>Доимий</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ташкилотларининг камбағал оилаларга бириктирилган раҳбар ходимлари</p> |
| V. Ижтимоий хизматдан фойдаланиш имкониятини рўёбга чиқариш чораларини амалга ошириш | | | | |
| 19. | Камбағал оилалар реестрини шакллантириш ҳамда оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқиш тартибини белгилаш. | <ol style="list-style-type: none"> 1. Оилаларни Камбағал оилалар реестрига киритиш ва чиқариш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиш. 2. Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқиш тартибини | <p>2024 йил 10 ноябрь</p> | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С. Абдуллаев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|---|---|---|---|
| | | <p>тасдиқлаш учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиш.</p> <p>3. Камбағал оилалар реестрини шакллантириш ҳамда юритишни йўлга қўйиш.</p> | <p>2024 йил 1 декабрь</p> <p>2024 йил 1 декабрь</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p> |
| 20. | <p>Оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан бандлик талаб қилган ҳолда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхатини тасдиқлаш.</p> | <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан қарор лойиҳаси келишиш;</p> <p>3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | <p>Икки ой мuddатда</p> | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (Ж.Абруев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p> |
| 21. | <p>Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли шахс бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини йўлга қўйиш.</p> | <p>Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини Самарқанд ва Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида аутсорсинг асосида амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли шахс бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматини назарда тутиш.</p> | <p>2024 йил 1 ноябрь</p> | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М.Ташходжаев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p> |
| 22. | <p>Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида хизмат кўрсатиш учун</p> | <p>1. Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этиш.</p> <p>2. Эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли</p> | <p>2024 йил 31 декабрь</p> <p>2025 йил 31 март</p> | <p>Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (С.Абдуллаев)</p> |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|-----|--|---|--|---|
| | Маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли ? болалар уйлари ташкил этиш. | болалар уйлари ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | |
| | VI. Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллани электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, унинг туман маркази билан транспорт жиҳатидан боғланганлигини яхшилаш, ички йўллارни таъмирлаш ва томорқаларни суғориш суви билан таъминлаш имкониятини яхшилаш, ҳудудларни жадал комплекс ривожлантириш | | | |
| 23. | Энг оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш дастурини амалга ошириш. | <p>1. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича энг оғир аҳволдаги 1000 та маҳалланинг инфратузилмаси ҳолатини (электр энергияси, сув, газ, суғориш тизими, интернет, ички йўллار ва бошқа) ўрганиш.</p> <p>2. Маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш ёки уларга электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини яхшилаш, ички йўллارни таъмирлаш ва бошқа инфратузилмани яхшилаш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3 Маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш ёки уларга электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш ва бошқа инфратузилмани яхшилаш дастури учун 3,2 триллион сўм маблағ ажратиш.</p> | 2024 йил 15 октябрь 2024 йил 20 октябрь 2024–2025 йиллар | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К.Куранбаев), Маҳаллаларга бириктирилган республика даражасидаги давлат идораларининг раҳбар ходимлари |
| 24. | Туман ва шаҳарларнинг иxtисослашувидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш. | <p>Ҳар бир туман учун саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликни ривожлантиришга туртки берувчи 5 тадан “драйвер” лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш.</p> <p>Мазкур лойиҳаларнинг зарур инфратузилмасини яратиш учун Давлат бюджетидан 1 триллион сўм маблағлар ажратиш.</p> | Ўн кун мuddатда 2024–2025 йиллар | Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), тегишли вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро мuddати | Масъуллар |
|---|--|---|--------------------|---|
| 25. | 2024–2025 йилларда жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган 15 та туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш чораларини кўриш. | <p>1. 2024–2025 йилларда жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган 15 та туман ва шаҳарни комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда камида биттадан маҳаллада “яшил маҳалла” лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилади.</p> <p>2. Тасдиқланган дастур доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.</p> | 2024 йил 1 декабрь | Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), тегишли вазирлик ва идоралар |
| 26. | 2025–2026 йилларда қўшимча 30 та туман (шаҳар)ни жадал комплекс ривожлантириш. | <p>1. Худудларни ўрганган ҳолда 30 та туман (шаҳар) рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Шакллантирилган рўйхат асосида 30 та туман (шаҳар)ни 2025–2026 йилларга мўлжалланган жадал комплекс ривожлантириш дастурини тасдиқлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган дастур доирасида ишларни манзилли олиб бориш.</p> | 2025 йил 1 июль | Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А.Хайдаров), тегишли вазирлик ва идоралар |
| VII. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, маҳаллани мунтазам интернет алоқаси билан таъминлаш | | | | |
